Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Узбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 20 декабрь, сешанба №184 (21.759) Сотувда эркин нархда.

ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ КЕЛАЖАГИ

Илгари хабар қилинганидек, 16 декабрь куни Тошкентда Республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уни давлат томонидан рағбатлантириш масалалари муҳокама этилди.

Маълумки, биз янги жамият қуриш, демократик ҳуқуқий давлат тузиш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида ўзимизга хос ва мос йўл танлаганмиз, деди Президент. Унинг асосий пойдевори, барча ҳаракатларимизнинг дастўриламали бўлмиш беш тамойил ҳақида кўпчилик билади. Ана шу тамойиллардан бири — устивор мақсадларимизни унутмасдан, йўлимиздан адашмасдан, халқимизнинг ҳаёт даражасини назарда тутиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъмин этган ҳолда **бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдир.**

Мамлакатимизда ана шу янги тизимга ўтиш жараёнининг биринчи босқичида кўп муҳим ишлар амалга оширилди. Уларни таъриф-тавсиф қилиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Чунки, бу ишларнинг барчасини бошимиздан кечирдик, натижасини ҳаётимизда кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Энг муҳими, давлат, жамият ҳаётининг асосий қонуни — янги Конституциямиз қабул қилинди. Мазкур жарённинг ҳуқуқий асослари яратилиб, тегишли қонун ва фармонлар чиқарилди ва ҳаётга тадбиқ этила бошлади. Давлат бошқаруви, вазирликлар, ташкилот ва корхоналар тизими ўзгартирилиб, улар янги тартиб ҳаёт талаблари асосида ишламоқда. Бозор инфраструктурасини шакллантириш мақсадида банк, молия, солиқ тизилмалари янги шароитга мослаштирилди.

Миллий валютамиз — сўмни муомалага чиқариб, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, харид қувватини кучайтириш чора-тадбирларини кўришга киришдик. Қуйи поғоналардаги ташкилот ва корхоналарга иқтисодий эркинлик бериб, уларни давлат тазйиқидан халос этиб, янги усулда ишлаш йўлига ўтдик. Иқтисодимиздаги заифликка барҳам бериш, халқ хўжалигининг кўп муҳим соҳаларида бошқа минтақа ва давлатларга қарамликдан қутулиш, яъни иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида катта қадамлар қўйдик. Хусусан, илгари республикага олиб келинадиган маҳсулот миқдори четга чиқариладиганига нисбатан ортиқ эди. Ҳозир бу нисбат ўзгарди. Бунинг нечоғлик аҳамиятга эга экани кўпчиликка аён.

Маънавий ҳаётимизда, миллий онгимизни, сиёсий савиямизни ошириш, миллий мафкура ва тафаккурни такомиллаштириш борасида қилинган ишлар, энг муҳими, одамларнинг дунёқарашида рўй бераётган ўзгаришларни энг катта ютуғимиз деб ҳисоблаш лозим.

Ислоҳот одамлар, тақдирига, онгига қандай таъсир этяпти?

У одамларга нима беряпти? Бу ўзгаришлар халқимизга маъқулми, йўқми? Мана шу — фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиши керак. Зеро, ислоҳот халқ манфаати учун қилинади. Биз вақти-вақти билан ўзимизга ана шу саволларни бериб, ишимизни таҳлил этиб туришимиз даркор.

Келажагимиз учун, эл-юртимизнинг фаровонлиги учун, мустакил давлатимизнинг тараққиёти ва истикболи учун мана шу йўналишлардаги ишларимизни охирига етказиш муҳим аҳамият касб этади, дея таъкидлади Ислом Каримов. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг навбатдаги босқичи, бу йўлдаги вазифалар хусусида гапирар эканмиз, қуйидаги муаммолар ва устивор йўналишларга алоҳида аҳамият бермоқ даркор.

Биринчи ва асосий масала — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги ишларни охирига етказишдан иборат.

Ислоҳотнинг асосий маъноси ва, керак бўлса, негизи бу — мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир.

Иккинчи муаммо ва устун йўналиш — иқтисодимиз таркибини кескин ўзгартириш, яъни хом ашё эмас, тайёр маҳсулот чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва рақобатбардошлилигини дунё бозори талабларига жавоб берадиган ҳолга етказиш. Ана шу мақсадда юртимизга янги технология, замонавий жиҳозлар, ускуналар келтириш, ишчам, қилинган харажатни тез коплайдиган корхоналар қуришдир. Бу хорижий сармояларга кенг йўл очиб беришни тақозо этади.

Ҳеч бир мамлакат хорижий сармояларсиз тараққиётга эришмаган. Ҳозир дунё бўйича 160 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги чет эл сармояси айланади. Шундан бир қисмини Ўзбекистонга жалб этиш имкони борми? Бор! Биз билан ҳамкорлик қилишни истаган чет эл фирмалари, компаниялари кўп. Фақат ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиш керак. Инвестициялардан фойдаланиш лойиҳаларимизда мана шу инвестиция қаерга сарфланади, Мингбулоққа қанча, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қанча, у қандай самара беради — бари олдиндан аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқилади. Фақат бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш лозим.

Бунинг йўли эса чет эл фирмалари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузишдир. Мен бу ҳақда илгари ҳам айтган эдим. Яна такрорлайман, хориж билан алоқа боғламаган корхонанинг, тадбиркорнинг келажаги йўқ. Лекин бизда шундай раҳбарлар борки, чет эллик бизнесменлар билан гаплашишни истамайди. Бундай қайфиятларга барҳам бериш вақти етди.

Учинчи муҳим вазифа — миллий пулимиз нуфузини янада мустаҳкамлаш, унинг Америка доллари, немис маркаси, япон иени каби дунёдаги обрўли валюталар билан эркин алмашувига эришмоқдир. Зеро, миллий пул кучли бўлгандагина иқтисод бақувват бўлади. Биз банкларараро валюта биржасида бир миллиард АҚШ доллари айланишига эришмоғимиз даркор.

Токи, ҳар бир корхона, тадбиркор ва фуқаро истаган вақтда, истаган миқдордаги пулини эркин муомаладаги валютага ёки ишлаб топган валютасини миллий пулимизга алмаштира олиш имконига эга бўлсин.

Шуни яхши англаб олишимиз керакки, ислоҳотимизнинг тақдири, ҳаёт-мамоти, унинг самараси — халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш, фаровон ҳаётга эришиш — ҳаммаси биринчи масалага тақалади. Яъни, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, иқтисодий фаолият учун эркин шароит тўғдириб бериш муаммосини ҳал этмай туриб кутилган натижага эришиб бўлмайди, дея таъкидлади Президент.

Вазиятга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, муайян ишлар қилинганига қарамай, республикада тадбиркорлик кўнгилдагидек ривожланмаяпти. Бу йўлда қандай тўсиқлар, ечимини кутаётган муаммолар бор.

Уларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўриш, ҳужжатлар қабул қилиш лозим? Бугун ана шу муаммоларни муҳокама этишимиз, тадбиркорликни янги поғонага кўтариш, кенг кулоч ёйдириш йўлларини белгилаб олишимиз зарур.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен кун тартибига қўйилган масала юзасидан маъруза қилди.

Маърузада таъкидлаб ўтилдики, шу йил 21 январда чиқарилган "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонига асосан республикада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Бозор муносабатларини тартибга солувчи зарур ҳужжатлар қабул қилинди. 1994 йилнинг ўзида хусусийлаштиришдан 300 миллион сўмдан зиёд пул тушди. Бу 12 минг хусусий тадбиркорни, асосан, фермерларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини берди. Республикада тижорат банклари, компаниялари, жамғармалари, биржалари кенг фаолият кўрсатмоқда. Ташкил этилган 1300 қўшма корхона шу йилнинг 9 ойи мобайнида 830 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Лекин хусусий тадбиркорларнинг оёққа туриб олиши, ривожланиши қийин кечмоқда. Мулк хусусийлашгандан кейин уни ишга солиб юбориш жараёнида маълум тўсиқлар бор. Хусусан, бир кичик корхонани рўйхатдан ўтказиш учун бир неча идорадан рухсат олиш керак. Бунинг учун тадбиркор ойлаб вақт йўқотади. Навбат кутишлар, мансабдор шахсларнинг тўраларча муносабати, айрим ҳолларда очиқчасига таъмагирлик қилиши тадбиркорларнинг ишдан кўнглини совутмоқда, ислоҳотга, келажакка ишончни сўндирмоқда. Бундан ташқари банкда ҳисоб рақами очиш, муҳр тайёрлаш, кредит олиш, пул ўтказиш масалаларида тадбиркорларга ўтай кўз билан қараш ҳоллари мавжуд. Уларнинг солиқ идораларига топширадиган ҳисоб ҳужжатларини соддалаштириш, хом ашё билан таъминлашда давлат корхоналари билан бир хил шароит яратиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улгуржи савдо ярмаркаларини ташкил этиш долзарб вазифалардандир.

Йиғилишда сўзга чиққан тадбиркорлар, вазирлик, бирлашма, концерн, банк ва бошқа алоқадор ташкилотлар вакиллари мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари хусусида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Бизда янги шахсий мулк эгаларига кўз олайтириш, уларга ҳавас билан эмас, аксинча, ҳасад билан қарашдек эскидан қолган ёмон одат бор, деди Ислом Каримов мажлис ниҳоясида. Айниқса, раҳбар лавозимида ўтирган айрим шахслар бундан воз кечиши керак. Баъзи зўравон, турли текшириш, ковкларни уюштирадиган, шунинг орқасидан манфаат топадиган таъмагир ва порахўр кимсаларнинг танобини тортиб қўйиш, иқтисодиётимизнинг келажаги бўлган тадбиркорларни турли тазйиқлардан ҳоли этиш даркор. Ана шунда уларнинг сафига янги-янги одамлар қўшилади.

Хом ашё сотиб, юртнинг табиий бойликларини совуриб, эл фаровонлигини ошираман дейиш — хомхаёлдан ўзга нарса эмас. Вақтинча тўкинлик мамлакат келажаги учун қимматга тушиши мумкин. Чунки бундай шароитда одамларда боқимандалик қайфияти кучаяди, меҳнатни унутади. Бойлик, фаровонлик асоси — меҳнат эканини унутмайлик.

Илгари четдан 4 миллион тонна нефть сотиб олар эдик. Ўзимизда ишлаб чиқариш ҳисобидан бу кўрсаткични йилдан-йилга камайтириб келяпмиз. У 1995 йилда 750 минг тоннага тушади. 2-3 йилда ғалла масаласида ҳам ўзимизни ўзимиз таъминлашга эришишимиз керак. Бу нафақат иқтисодий, балки катта сиёсий масаладир.

Оллоҳ таоло ҳам, сендан ҳаракат — мендан баракат деган. Мен орзу қиламанки, ҳар бир одам давлат нима берар экан деб ўтирмасдан, даромад топишга ҳаракат қилса — қимирлаб турса. Зеро, одам ўзини боқа олсагина бой бўлади. **Ҳар бир одам бой бўлса, давлат бой бўлади, ҳар бир оила обод бўлса, мамлакат обод бўлади.**

Йиғилишда республикада тадбиркорликни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ўртага қўйилган масалалар қатъий ҳисобга олинди ва уларни ҳал этиш юзасидан зарур ҳужжатлар тайёрлаш кераклиги таъкидланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик, идора, концерн, уюшма ва корхоналарнинг раҳбарларига тадбиркорликни кенгайтириш борасида амалий чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилди.

Мажлисда Республика Бош вазири А. Муталов қатнашди.

Аҳмад ХЎЖА.
(ЎзА).

АНТОНИНА ПАВЛОВНА ХЛЕБУШКИНАГА

Муҳтарам Антонина Павловна!

Сизни ҳаётингиздаги шонли сана — 80 ёшга тўлган кунингиз билан табриклашдан мамнунман.

Саҳоватли Ўзбекистон диёрида донолик, бағри кенглик, сахийлик, меҳр-шафқат ҳамиша қадрланиб, эъзозланиб келади. Сизнинг сиймоингизда, ёш авлодга оналик меҳри билан тўла ҳаётингизда шу фазилатлар акс этган.

Сиз, Антонина Павловна, ҳамиша болалар қалбига йўл то а олган, айниқса ҳаётда кўп жабр кўрган, ота-онасидан, яқинларидан жудо бўлган болалар меҳрини қозона олган меҳрибон, шафқатли инсонсиз. Сиз минглаб болаларни тарбиялаб, уларга ҳаётга йўлланма бердингиз.

Сизнинг илҳомбахш меҳнатингиз умумхалқ томонидан эътироф этилди, республика ҳукумати томонидан юқори баҳоланди. Сиз мустақил Ўзбекистон Республикаси таъсис этган "Соғлом авлод учун" орденига биринчилар қаторида сазовор бўлдингиз.

Азиз Антонина Павловна, Сизга чин қалбимдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳаётингиздаги асосий ишингизни — болалар ва ёшларни тарбиялашни давом эттиришингиз учун куч-ғайрат тилашга ижозат бергайсиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҲОРМАНГ, АНТОНИНА ПАВЛОВНА!

19 декабрь куни Тошкентда пойтахтдаги 22-болалар уйининг директори Антонина Павловна Хлебушкина таваллуд топган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди. Кечада ажойиб педагогнинг ҳамкасблари ва дўстлари, унинг қўлида тарбия топган жуда кўп кишилар ҳозир бўлдилар. Улкан қалб эгаси А. Хлебушкина ўзининг бутун ҳаётини болалар, ёшларни тарбиялашдек савоб ишга бағишлаган.

Кечани "Ўзсаноатхўжаликқурилиш" давлат корпорацияси бошқарувининг раиси О. Орипов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг юбилярга табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Сўзга чиққан нотиқлар Антонина Павловна уруш пайтидан бошлаб, мана, эллик йилдан ошиқ вақт мобайнида бошқариб келаётган 22-болалар уйида уч ярим мингдан ортиқ етим нафақат бошпана, балки меҳр-оқибат топгани хусусида гапирдилар. Бу болалар мазкур аҳил, байналмилал оилада вояга етди, билим, ҳаётга йўлланма олди. Болалар уйида тарбия олганларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларини тугатиб, фан, техника, санъат соҳасида етук мутахассислар бўлиб етишган. Улар қаерда бўлмасин, А. Хлебушкинани, қадрдон уйларини ҳеч қачон унутишмайди.

А. Хлебушкинанинг оналарча меҳри ва ғамхўрлигига жавобан қирқдан ошиқ киши унинг фамилиясини олган. Юрак парчасини бериб тарбиялаган болалардан меҳр ва эҳтиром кўришдан ортиқ бахт бўладими кишига? Бу бахт ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Бугунги кунда меҳрибон, серфарзанд бувининг минглаб фарзандлари, невара-чеваралари унга "Ҳорманг, азиз онажон!" дейиши ҳам бежиз эмас.

Моҳир педагог ва тарбиячининг кўп йиллик меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. А. Хлебушкина мустақил Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган "Соғлом авлод учун" орденига сазовор бўлган дастлабки кишилардандир.

Тантанали кечада А. Хлебушкина Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга, кечанинг барча қатнашчиларига самимий табриклари учун миннатдорлик изҳор қилиб, ёшларни юксак маънавият ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга бундан кейин ҳам барча кучини сарфлаяжагини билдирди.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН — БИ-БИ-СИ НИГОҲИДА

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар, хусусан, Ўзбекистон ҳаётига қизиқиши кундан-кунга ошмоқда. Жумладан, Буюк Британиянинг баобрў Би-Би-Си радиотелевизион корпорацияси шу йил 25 декабрда республикамизда мамлакат янги парламенти ва давлат хокимияти маҳаллий идораларига ўтказиладиган илк демократик сайловларга бағишлаб эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаяпти.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши б ринчи котиби А. Жалолов мазкур корпорациянинг Ўрта Осиё бўйича мухбири Алан Жонстонга, унинг илтимосига кўра, қабул қилди. У мухбирнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва мавқеи ҳамда бўлажак ,сайловлардаги иштирокига оид бир қатор саволларига жавоб қайтарди.

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Германия Федератив Республикасидаги ҳуқуқшуносларни бирлаштирувчи нуфузли Рожерс ва Веллс фирмаси вакили доктор Михаэль Р. Мойб қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов меҳмонга юртимизда мамлакат парламентига илк бор кўппартиялилик асосида ўтказиладиган сайловларга кўрилаётган тайёргарликнинг бориши, Халқ демократик партияси сайловолди Сиёсий дастурининг асосий қоида ва ғоялари тўғрисида сўзлаб берди. У ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг демократик руҳда амалга оширилиши учун ҳуқуқий асос бўладиган барча асосий ҳужжатлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Доктор Михаэль Р. Мойб ҒФР ҳуқуқшуносларининг Ўзбекистондаги бўлажак сайловларга ҳозирликни катта қизиқиш ва ҳайрихоҳлик билан кузатаётганликларини маълум қилди. У сайланажак депутатлар мамлакат янги, демократик парламентида Ўзбекистон барча аҳолисининг хоҳиши-иродасини ифода этиб, халқ манфаати йўлида ишлайдилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази



"Хитой" жамоа ширкат хўжалиги Муборак туманидаги илғор хўжаликлардан ҳисобланади. Бу йил "оқ олтин"дан мўл ҳосил олган жамоа аъзолари пахтадан бўшаган 1040 гектар майдонга арпа ва буғдой уруғини сепишди. Бу ўтган йилгидан 460 гектар кўп демакдир. Шундан 150 гектари ғўзапояси ўрилмаган майдонга экилди. Янги усул ғаллани суғоришни осонлаштиради ва кучли шамолда ғалла поясини йиқилишдан сақлайди. Шу кунларда хўжаликда ғаллани суғориш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

СУРАТЛАРДА: оилавий звено бошлиғи Раҳмиддин Қодиров 20 гектар ғўзапояси ўрилмаган пахта майдонида синаш мақсадида буғдой ўстиряпти; (пастда) звено аъзолари далада.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИГА ДОИР

Шу йил 14-16 декабрь кунлари республика Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси Вашингтонда бўлди.

Ташриф давомида АҚШ Давлат департаментида, савдо вакиллиги, савдо, молия, қишлоқ хўжалиги департаментлари раҳбарлари билан, Эксим-банк ва ОПИКда музокаралар бўлди.

Музокаралар якунида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш юзасидан икки томонлама ҳукуматлараро битим имзоланди. Ҳужжатни Америка томонидан АҚШ савдо вакили, элчи М. Кантор имзолади.

Битим ўзаро инвестицияларни амалга ошириш учун энг мақбул шароитлар яратишни кафолатлайди, ҳужжатда капитал ва даромадларнинг эркин ва тўсиқсиз ўтказилиши, халқаро арбитраж ҳамда маблағ сармоясини ҳимоя қилиш соҳасидаги бошқа эътироф этилган стандартларга йўл очилиши кўзда тутилган.

Мазкур битим Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро фойдали савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорликда ташланган яна бир йирик қадамдир. Илгари имзоланган савдо ҳақидаги битим сингари, бу битим ҳам ҳукумат дастурлари бўйича ҳам, хусусий бизнес учун ҳам мақбул ва очиқ инвестицион режимни вужудга келтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Муҳаммад ШАРИФ.
(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУС

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Европанинг марказида, ғарбий Европа билан МДҲ ўртасидаги муҳим алоқа йўлида жойлашган Беларус Республикаси 10 миллиондан ортиқ нуфусга эга. Беларусда машинасозлик, электр ва радиоаппарат саноати яхши ривожланган. Шунингдек, мамлакат енгил саноат, қурилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам катта ютуқларга эришган.

Лекин Беларус иқтисоди жуда кўплаб соҳаларда узоқ вақт, айниқса, собиқ иттифоқ даврида Россия Федерацияси ва бошқа МДҲ га аъзо мамлакатлар билан деярли чамбарчас боғланиб келган эди. Шу боис, ҳозир Беларус халқи ҳам иқтисодий ўтиш даври қийинчиликларини бошидан кечирмоқда. Бунга МДҲнинг иқтисодий механизми яхши ишга тушмаётгани ҳам сезиларли таъсир этмоқда. Беларус пойтахти Минск МДҲнинг асосий мувофиқлаштирувчи қўмиталари учрашуви жойига айланган бежиз эмас, албатта.

1994 йилгача Беларус Республикаси мамлакатнинг бутунлай янги шароитдаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини белгилашда кескин ўзгаришларга юз тутмади. Бу эса Беларус келажакда қайси ривожланиш йўлини танлайди, деган масала устидаги баҳсларни тезроқ ҳал этиш лозимлигини кўрсатди. Жорий йилда бўлиб ўтган демократик сайлов натижасида мамлакатнинг биринчи Президенти этиб Александр Лукашенко сайланганч, янги ўзгаришлар даври бошланди. Беларус раҳбари халқ фаровонлигини, бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришдаги ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш учун бор куч ғайратини сарфламоқда. Мамлакат халқи, жамоатчилиги бугунги кунда ушбу ўзгаришларга умид назари билан қарамоқда. Мамлакатнинг қулай жуғрофий минтақада жойлашгани ва яхши ривож топган саноати тез орада ушбу қийинчиликларни енгиб ўтишда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

Беларус Республикаси тинчликсевар ташқи сиёсат юргизар экан, ядро қуролини тарқатмаслик борасида халқаро ташкилотлар билан кенг ҳамкорлик қилмоқда ҳамда барча давлатлар билан ўзаро тенг манфаатли алоқалар ўрнатиш йўлидан бормоқда. Бугунги кунда у асосан МДҲ давлатлари, Польша ва Германия билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантирмоқда.

Беларус билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар, савдо-иқтисодий алоқалар узоқ йиллар давомида таркиб топиб келган. Ҳар икки республика собиқ иттифоқ даврида иқтисодий жиҳатдан узвий боғланган, кўплаб ишлаб чиқариш тармоқлари бир-бирини тўлдириб турарди. Шу боис мустақилликка эришгач, Беларус биринчилардан бўлиб Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш истагини билдирди.

1991 йилнинг ноябрида, Беларус давлат делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга онд талай ҳужжатлар имзоланган эди. Жумладан, Ўзбекистон билан Беларус Республикалари ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома, шуниндек, икки республика ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ҳақидаги ҳукуматлараро битимга имзо чекилди.

Шу тариқа мустақилликка эришган икки давлат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги асосда ривожлантириш учун пойдевор қўйилди. Бугунги кунда Беларус Ўзбекистоннинг пахтаси, нефть-газ ҳамда айрим енгил саноат маҳсулотларига эҳтиёж сезмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳам Беларусдан автомобиль саноати ускуналари, қора металл ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари олиб туради.

Ўзбекистон билан Беларуснинг улкан иқтисодий имкониятлари келгусида ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак поғонага кўтариш, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш имконини беради, албатта. Зеро, бугунги кунда ҳар икки мамлакат халқлари ана шу алоқаларнинг тезроқ ривожланишидан умидвор ва манфаатдордир.

Давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишида ана шу мамлакатлар халқларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги, аввалдан мавжуд бўлган дўстона алоқалари муҳим аҳамият касб этиши яхши маълум. Ўзбек ва беларус халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари 30-йиллардаги қатағон даврида, бир қанча Беларус зиёлилари Ўзбекистонга сургун қилиниб, ўзбеклар билан бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилган даврларда боғланган эди. Иккинчи жаҳон уруши пайтида эса кўплаб Беларус оналари, фарзандлари Ўзбекистондан паноҳ топди. Ўзбек жангчиларининг муқаддас ҳоки Беларуснинг бепоён ўрмонларида абадий қолди. 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг Беларус қурувчилари кўрсатган ёрдам халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги кўплаб миллий-маданий марказлар қаторида Беларус миллий-маданий маркази ҳам қизғин фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказнинг очилиш маросимига Минскдан меҳмонлар, журналистлар ҳам ташриф буюриб, Ўзбекистонда яшовчи беларусларнинг ҳаёти билан яқиндан танишган эдилар.

Минглаб километрлар узоқда жойлашган, лекин бир-бири билан узвий боғланиб келган Ўзбекистон ва Беларус Республикалари бугун ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш учун барча имкониятларга эга. Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий сафари ана шу имкониятларни ишга солишда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз. Зеро, ушбу ташриф давомида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, маданий, иқтисодий соҳалардаги алоқаларни чуқурлаштиришга оид бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Бу эса ўзбек ва беларус халқлари манфаатларига ҳам тўла мос келади ҳамда халқларимизнинг фаровон турмушини таъминлашда, ҳар томонлама алоқаларни равнақ топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиладн.

Муҳаммад ШАРИФ.
(ЎзА)

1994 йил 25 декабрь якшанба— САЙЛОВЛАР куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА

Атаулла Худойбергенович АСАНОВ, 237-Нукус сайлов округи

Атаулла Худойбергенович Асанов 1970 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган.

У кўп йиллар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида масъул ходим, Қорақалпоғистон вилоят партия комитетида қурилиш бўлими мудири, Нукус шаҳар партия комитети биринчи котиби, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши раиси муовини бўлиб ишлади.

Республикада енгил саноатни ривожлантиришда хизматлари катта. Тўрткўл, Беруний, Манғит, Хўжайлидаги ип йигирув ва тўқимачилик фабрикаларининг вужудга келиши, уларни замонавий технология билан таъминлашда бевосита иштироки бор. Нукус шаҳрида эса унинг ташаббуси билан янги-янги депо, троллейбус линиялари қурилиб, шу кеча-кундузда аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Унинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон ташкилотини мустаҳкамлашда хизматлари катта бўлмоқда.

Номзоднинг дастурида уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган кишиларни ижтимоий ҳимоя қилиш кенг ўрин олган.

У бир неча бор орден ва медаллар билан мукофотланган.

В. ЛУШЕНКО,
Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгаши иккинчи котиби.

Олламберган Ҳалимбетович ҲАЛИМБЕТОВ, 242-Амударё сайлов округи

Унинг бир хислати бор. Бирор ишни қўлга олдими битмагунча тиниб-тинчимайди. Илк иш фаолиятини Нукус шаҳридаги 166-қурилиш трестига қарашли 2-қурилиш бошқармасида сувоқчиликдан бошлаган. 1972 йилда эса Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги институтини битказган. Хўжаликда муҳандис, бош муҳандис, раис муовини, партия ташкилоти котиби лавозимларида ишлайди. 1985 йилнинг бошида Крупская номли жамоа хўжалигининг Жданов участкаси базасида янги "Оқолтин" хўжалиги ташкил қилинади. Олламберган ҲАЛИМБЕТОВ янги хўжаликка раис этиб сайланади. Ўшандан буён хўжаликда катта ишлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари тез суръатлар билан ривожлантирилди. Қурилишлар кўлами кенгайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳисобидан катта даромад олишга эришилмоқда. Ҳар йили пахтанинг ўзидан 2—2,5 миллион сўм нақд фойда олинмоқда.

Раисимиз Олламберган Ҳалимбетовнинг ишбилармонлиги туфайли овулимизга саноат корхоналаридан 5 минг тонна пахтани қайта ишлаб чиқарадиган пахта тозалаш заводи қурилиб фойдаланишга топширилиши арафасида, 800 камераси бор ип йигирув фабрикаси маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Тўқимачилик фабрикаси қурилиши тезкорлик билан олиб бориляпти. Хўжаликдаги барпо этилаётган қурилишларнинг ҳаммаси фақат соф фойда ҳисобидан.

Т. ИСКАНДАРОВ,
"Амударё" тумани "Оқолтин" жамоа хўжалиги бош иқтисодчиси.

Бозорбой Ҳайитбоевич ОРАЗАЛИЕВ, 245-Беруний сайлов округи

Инсон — табиатнинг ер юзидаги олий маҳсулидир. Бироқ табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмоқ учун инсон соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлиши керак.

Олий Мажлис депутатлигига номзод, тиббиёт фанлари номзоди Бозорбой Оразалиевнинг ҳам дастури билан танишсангиз, мана шу ғоя, фикр устиворлигини кўрасиз.

У 1971 йил Тошкент давлат медицина институтининг даволаш факультетини тугаллагандан сўнг Нукусдаги 1-республика шифохонасида жарроҳ бўлиб иш фаолиятини бошлаган эди. Мана орадан қанча йиллар ўтди. Ундан бу даврлар ичида қанчадан-қанча дардмандлар дардидан форғ бўлди. Кимларгадир қайтадан ҳаёт бахш этди...

1983-86 йилларда Москвадаги 2-Давлат тиббиёт институтида "Ўткир қорин бўшлиғи касаллигида эндоскопик ташҳис қўйиш ва даволаш" мавзуида илмий иш қилиб тиббиёт фанлари номзоди даражасини олди.

Айни кезларда Б. Оразалиев Беруний туман марказий касалхонасининг жарроҳлик бўлими мудири, шифохона бошланғич партия ташкилоти котиби. У туман халқи учун ҳам медицинада замонавий бўлган эндоскопик ва ультратовуш диагноз қўйиш усулларини биринчилардан бўлиб тадбиқ қилди.

— Давр талабларидан бири беморларга амбулаториялик даволаш усули — кундузги стационар бўлиб ҳисобланмоқда. Мақсад, беморлар кундуз даволаниб кечқурун уйларида бўлиши керак. Бу эса беморларга қулай, давлатимизга арзонга тушади, дейди номзодимиз.

Таскинбике АБДИЖАМАЛОВА, 238-Университет сайлов округи

Таскинбике Абдижамалова 1970 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугаллагандан сўнг Нукус шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасида иш фаолиятини бошлади. 1972 йилда эса шаҳардаги 1-республика кардиология шифохонасида кардиолог-шифокор бўлиб ишлайди. Меҳнат фаолияти даврида ўзини малакали мутахассис сифатида кўрсатди. Ўз малакасини тинмай ошириб борди.

1983 йилда шифохона кардиология бўлими мудири, шу йилнинг апрелидан эса шифохона бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатмоқда. У ўзининг катта ташкилотчилик қобилияти туфайли, шифохона жамоасининг ишончига сазовор бўлган.

Унинг талабчанлиги, муаммоларни оқилона ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшаётганлиги туфайли республика миқёсидаги шифохонада қисқа вақт ичида катта ўзгаришлар юз бера бошлади.

Олий тоифали кардиолог-шифокор Т.Абдижамалова Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўп марталаб фахрий ёрлиғи ва раҳматномаларини олишга мушарраф бўлган. У бошқарган кардиология бўлими Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фахрий китобидан муносиб ўрин олганди. Таскинбике Абдижамалованинг мақсади тиббиёт ходимларининг жамиятдаги мавқеини ошириб бориш.

Тништик Мурзагулович ТЕМИРБАЕВ, 246-Қўнғирот сайлов округи

Уч нарса миллатни буюк ва саҳоватли қилади: ҳосилдор ер, ривожланган саноат ҳамда одамлар ва юк-товарлар ҳаракатининг қулайлиги. Темир йўл тармоғи эса келтирилган мана шу уч мисол билан ҳам ўзвий боғлиқ...

Бозор иқтисоднёти шароитида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира бориб, 2000 йилгача узунлиги 635 чақирим бўлган Урганч — Қўнғирот — Бейнеу темир йўл йўналишларини электрлашни мўлжаллаяпмиз. Биринчи навбатда 1995 — 1996 йилларда узунлиги 102 чақиримлик Найманкўл — Қўнғирот участкасини, иккинчи босқичда Қўнғирот — Жасмоқ, учинчи босқичда Наймонкўл — Урганч, тўртинчи босқичда эса Жаслиқ — Бейнеу бўлинмасини электрлаштирамиз. Сўнг ташилган юк 9 бараварга арзонга тушади.

Ана шу қурилишлар ҳозирданоқ Тўрткўл туманидан бошланди.

Мен Олий Мажлисга депутат бўлиб сайлансам биринчи навбатда шу қурилишларга алоҳида эътибор бераман. Чунки мамлакатимизнинг келажагини темир йўлларни ривожлантирмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Халқ хўжалиги юкларини ташиб бериш, йўловчиларни манзилларига етказиб қўйиш менинг диққат эътиборимда бўлади.

Ўрта Осиё темир йўли Орол бўйи бўлими бошлиғининг нияти шундай.

Ғаффор МАДРАИМОВ, 243-Элликқалъа сайлов округи



Қорақалпоғистонда донг таратган пахтакорлардан бири, ўз касбининг устаси, тажрибали ва тадбиркор раҳбар Ғаффор Мадраимов кўп йиллардан бери Элликқалъа туманидаги Ғани Одилов номли (илгариги "Ленинград") жамоа хўжалигига раҳбарлик қилиб келади.

У 1938 йили туғилган, миллати ўзбек. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган.

1985 йили Ғаффор Мадраимов ўзи туғилиб, ўсган жамоа хўжалигига раис этиб сайланди. Қарийб ўн йилдирки, шу жамоа хўжаликни бошқариб келмоқда. У одамларнинг қалбини тушуна олиши, барчани баробар билиши оқибатида кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган. У оилада ўн бир нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказаётган меҳрибон ота ҳамдир. У раҳбарлик қилаётган даврда жамоа хўжалиги жойлашган Амиробод овули ҳудудида мактаб, маданий-маиший объектлар қурилиши амалга оширилди, кўчалар асфальтланди, хонадонларни газлаштириш деярли тугалланди, ичимлик суви билан таъминлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Ғаффор Мадраимов 1991 йил октябрь ойидан Ўзбекистон ХДП аъзоси. У партиянинг сайловолди Сиёсий дастурида баён этилган вазифаларни рўёбга чиқариш йўлида тинмай изланишда.

Шавкат РЎЗИМБЕТОВ,
Амиробод овули оқсоқоли, номзоднинг ишончли вакили

Амин БАХИЕВ, 247-Шуманай сайлов округи

— Мустаҳкам ҳаётий куртакка эга бўлмаган мавжудотларгина вақт оқимида йўқолиб кетади. Қорақалпоғистоннинг етук ботаник олими Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Амин Бахиевнинг фалсафаси шундай. Фанда яратган ҳар бир каттакичик кашфиётида мукаммаликка — тобора юксак изланишларга интилган. У ЎРФА Қорақалпоғистон бўлими биоэкология институти директори.

— 1961 йилда Нукус давлат педагогика институтининг табиат-география факультетини битказдим. Касбим химик-биолог — дейди у. — Агар мен Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига сайлансам Орол тақдири билан боғлиқ, мустақил бўлган йилларда ёруғлик юзини кўрган ҳукуматимизнинг қарор ва фармонларини амалиётда бажарилиши учун аввалам бор курашаман. Жамиятимизнинг, халқимизнинг манфаатларига оид кечиктириб бўлмайдиган биринчи даражали вазифаларни ечишга бутун куч ғайратимни сарфлашга ҳаракат қиламан.

Изидор Андреевич КОЧМАРИК, 239-Тахиатош сайлов округи

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Изидор Андреевич Кочмарик 1943 йилда туғилган. 1975 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини, 1983 йилда эса Тошкент олий партия мактабини тамомлаган. Мутахассислиги бўйича — муҳандис-электрчи.

У меҳнат фаолиятини 1961 йилда Гулистондаги тажриба-механика заводида токарликдан бошлаган. 1963 йилдан Гулистон шаҳридаги 30-автобазада ҳайдовчи бўлиб ишлай бошлади. Армия сафларидан қайтгач, 1966 йилдан "Главсредазирсовхозстрой"нинг Гулистон электр устаханаларида электрчиларнинг, электрчиларнинг бригадаси бошлиғи, катта уста, бош муҳандис бўлиб хизмат қилди. Жамоа ҳаётида фаоллигини ҳисобга олиб, 1974 йилда уни партия ишига кўтаришди. Ўзбекистон КП Гулистон шаҳар комитети, Марказий Комитет ва Андижон вилоят комитетида раҳбар лавозимларда ишлади. Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

И.А. Кочмарик 1991 йил ноябрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиблигига сайланди.

Янги партиянинг тузилмаларини шакллантириш, унинг дастурий ғояларини оммалаштириш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда унинг хизматлари катта. Ижтимоий-сиёсий ва хусусан, иқтисодий масалаларни яхши тушунгани, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини эзозлагани туфайли жамоатчилик ҳурматини қозонмоқда.

Азимбой АБДУКАРИМОВ, 244-Тўртқўл сайлов округи

Азимбой Абдукаримов жамоа хўжалиги раиси. Кўп йиллар эл оқсоқоли бўлиб, одамларнинг бошини қовуштириб обрў топган. Хўжалик пахта ва бошқа зироатчилик экинларидан мўл ҳосил етиштириб иқтисодиётни юксалтиришга муносиб улуш қўшмоқда. Аҳолининг барча хонадонлари газ, водопровод суви билан тўлиқ таъминланган. Кейинги 5 йилда 2 та мактаб, касалхона, "Нафосат" тикувчилик фабрикаси, 5 жойда янги дўкон бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи, ғиштт ва оҳак чиқариш, гилам тўқийдиган цехлар, тегирмон, мой жувоз ва бошқа турдаги цехлар ишлаб турибди. Мўйначилик ривожлантирилмоқда. Мана шуларнинг ҳисобидан 500 дан кўпроқ аҳоли иш билан таъмин қилинди.

— Бугунги кунда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни сайловолди дастуримнинг асосий мезонига айлантирдим. Чунки қишлоқ юксалмай туриб элни тўйдириб бўлмайди, — деди у. — Депутатликка сайлансам, қишлоқ хўжалигини техника, моддий ресурслар билан таъминлаш, янги иш жойларини тиклаш, саноатни қишлоққа жалб этиш бўйича Олий Мажлис йиғилишларида ўз таклифларимни ўтказишга интиламан.

Бибиаим Алланазаровна ЮСУПОВА, 248-Чимбой сайлов округи

Жамиятимизда меҳнат қилиш ҳуқуқи — бу иш ҳақи олиш ҳуқуқигина эмас, аввало ижод қилиш, давлат миқёсидаги вазифаларни ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқи эканлигини Олий Мажлис депутатлигига номзод Бибиаим Алланазаровнанинг авваламбор таржимаи ҳоли билан таниша туриб ишонч ҳосил қиласиз.

1951 йилда туғилган. 1967 йил мактабни, 1972 йилда Воронеж Давлат педагогика институтини тамомлаган. Иш фаолиятини Хўжайли шаҳридаги Шевченко номли ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1972 йилдан буён Қорақалпоғистон партия, совет ташкилотларида: мактаб директори, туман ёшлари етакчиси, райком котиби сингари раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган. У кўп йиллар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг муовини бўлиб ишлади. 1994 йилнинг 29 июнидан республика Касаба уюшмасининг раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Унинг Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий-маданий ҳаётини ривожлантиришда, Тошкент педиатрия институтининг, Тошкент аграруниверситетининг Нукусдаги филиалларининг очилиши бевосита елиб-югуришлари мевасидир.

Халқнинг қалбига қулоқ солган раҳбар ҳеч қачон кам бўлмаган. Бибиаим Юсупованинг Олий Мажлис депутатлигига Чимбойдан кўрсатилиши у ерлик аҳолининг кўнглидагидек гап бўлибди. У чимбойликларнинг орзу ниятларини яхши англайди.

Ерназар Қурмонқулович ТУРМАГАМБЕТОВ, 240-Хўжайли сайлов округи



Кундалик ҳаётимизда иқтисодий ислоҳотларнинг устивор бўлиб бораётганлигини аниқ кўриб турибмиз. Бозор муносабатларига ўтаётган бундай шароитда сарф қилинаётган бир сўм неча сўм бўлиб қайтиб келишини чамалаганча иш кўришимиз лозим. Демак тадбиркорлик йўли билан тежамкорликка эътиборни қаратишимиз талаб қилинмоқда.

Олий Мажлис депутатлигига номзод Е. Турмагамбетовнинг шиори шундай. Шу боисдан у бошқараётган "Карлигаш" чорвачилик жамоа хўжалигида тадбиркорлик билан тежамкорликка эришилмоқда.

Жамоа хўжалигида ернинг, мулкнинг эгасини топиш, уларга амалий ёрдам кўрсатишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Мени сайловчилар Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатган экан, уларнинг ишончини оқлашга виждонан хизмат қиламан, — дейди у.

Бугун у Хўжайли туманидаги улкан чорвачилик хўжалигида бошқарув раиси. Қувончлиси, кўпгина савоб ишларга қўл урмоқда, одамлар ундан мамнун.

Кунградбай Ильясович ДОШУМБАЕВ, 249-Бердах сайлов округи

Ўзбекистон ХДП аъзоси Кунградбай Дошумбаев 1971 йилда Москвадаги нефткимё ва газсаноати институтининг муҳандис-механик ихтисослик бўйича факультетини тугаллаган. 1983 йилда эса иқтисод фанлари номзоди даражасини эгаллади.

Иш фаолиятини у 1971 йил "Бухорогазсаноати" трестида усталикдан бошлади. Сўнг вилоят комсомол қўмитасида биринчи котиб, обкомнинг саноат ва транспорт бўлимида бошлиқ.

У қайси лавозимда ишлаган бўлмасин, ҳамиша кўзда тутилган мақсадга эришишга ҳаракат қилиб келган, ўзига ва бирга ишловчиларга нисбатан талабчанлик муносабатида бўлган.

Мана у 1991 йилдан буён Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари лавозимида ишлаш чоғида ҳам тиниб-тинчимас раҳбар сифатида ўзини намоён этди. Республикада ёруғлик юзини кўраётган иқтисодий ислоҳотга доир қарорлар аввало унинг тасдиғидан ўтади. Шу боис иш юзасидан ҳар куни молиявий, банк, давлат солиқ бошқармалари иш фаолиятлари билан қунт билан танишади, уларга керакли таклиф ва фикрларини билдиради. Кунградбай Дошумбаев ташкилотчи, одамлар билан ишлашда катта тажрибага эга раҳбар.

Таир Нуримбетович ҚУРБОНОВ, 241-Кегайли сайлов округи

Таир Қурбонов ўрта мактабни битказиб, Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга кирди. Ўқишни 1970 йили муваффақиятли тугаллаб, фаолиятни Кегайли қурилиш-монтаж бошқармасида усталикдан бошлади.

Иш, тажриба бор жойда улғайиш, юксалиш бор экан. Шу бошқармада бўлинма прораби, сўнг бош муҳандис бўлиб хизмат қила бошлади. 1991 йилдан эса мазкур бошқармага бошлиқ этиб тайинланди.

Ушбу бошқармада ишлар экан, у республика миқёсидаги қурилишларда фаол қатнашди. Бугун тежамкорлик билан фаровон турмушга эришиш ғояси Таир Нуримбетовичнинг ҳам кундалик иш фаолиятига айланган.

— Мақсадимиз, — дейди у, — овулларда экологик шароитни яхшилаш, коллекторлар қазиб, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни йўлга қўйиш. Натижада қўшимча 500 гектар ер ҳам ўзлаштирилади. 900 гектар ер қайта таъмирланади. 2000 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Аҳолини ғалла билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш Таир Қурбонов бошлиқ бошқарма аҳлининг ҳам кундалик иш тарзига айланган. Бунинг учун корхоналарга, идораларнинг ёрдамчи хўжаликларига биринчи навбатда бирлашма томонидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Материалларни "Ўзбекистон овози" мухбирлари Рейимбой ЕШИМБЕТОВ ва Маъмуржон ҚИЁМОВ тайёрладилар.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

СУРХОНДАРЁ. Термиз темирйўлчилар клубида 142-Темирйўл сайлов округи сайловчилари Олий Мажлис депутатлигига Ўзбекистон ХДП номзоди — Термиз шаҳар марказий касалхонаси бош шифокори Қувондиқ Мадартов, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашидан номзод Термиз Давлат университетининг ректори Назар Тўраев билан учрашдилар.

Учрашувда сўз олган сайловчилар йиғилганларни сайлов куни энг муносиб номзодлар учун овоз беришга чақирдилар.

***

ФАРҒОНА. Марғилон ёғочни қайта ишлаш заводи клубида 182-Наврўз сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод — Марғилон шаҳар "Янги-марғилон" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Мадалихўжаев, халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашидан номзод — Марғилон шаҳар "Марғилон хонатлас" акционерлик жамияти бошқаруви раиси Олим Ғаниев сайловчилар билан учрашдилар.

Учрашувда ҳар иккала номзоднинг ишончли вакиллари сўз олиб, депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти ҳақида гапириб беришди. Депутатликка номзодлар ўзларининг сайловолди режаларини баён қилиб, сайловчилар саволларига жавоб қайтардилар.

***

ҚАШҚАДАРЁ. Китоб тумани ҳокимлиги мажлислар залида 233-Бешчашма сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган республика Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат вакиллиги раиси Абдулла Орипов билан сайловчиларнинг учрашуви бўлди. Номзоднинг ишончли вакили Абдулла Ориповнинг таржимаи ҳоли, ҳаёт ва ижод йўли ҳақида йиғилганларга гапириб берди. Сўзга чиққан сайловчиларнинг вакиллари сайловчиларни 25 декабрь куни муносиб номзод учун овоз беришга чақирдилар.

***

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Бекобод тумани ҳокими Маҳаммадали Расуловга Тошкент вилоят кенгаши сессиясида, Бекобод тумани марказий касалхонаси шифокори Абдураҳмон Собировга ХДП қурултойида юксак ишонч билдирилган эди. Олий Мажлис депутатлигига 166-Зафар сайлов округидан кўрсатилган бу номзодлар туман ҳокимлиги мажлислар залида ўз сайловчилари билан учрашдилар. Номзодларнинг ишончли вакиллари йиғилганларга уларнинг таржимаи ҳоли ҳақида сўзлаб берди. Сайловчилар депутатликка номзодларнинг сайловолди режалари билан яқиндан танишдилар.

***

ЖИЗЗАХ. 73-Мирзачўл сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидан номзод — Мирзачўл тумани ҳокими Таспўлат Есимов ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод — Жиззах давлат педагогика институти ректори Содиқ Нишоновнинг сайловчилар билан навбатдаги учрашуви Гагарин шаҳридаги "Чўлқувар" маданият саройида бўлди.

Сайловолди учрашувида ҳар иккала номзоднинг ишончли вакиллари номзодларнинг таржимаи ҳоли ва меҳнат фаолияти хусусида сўзладилар.

Номзодлар ўз сайловчиларига режалари тўғрисида батафсил гапириб бердилар. Сайловчилар саволларига жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

Илму ҳикмат ўтни ёндирар

ҲИСОБИНИ ҚИЛСАК...

Ўзбекистон Фанлар академияси умумий йиғилишида юртбошимиз сўзлаган нутқида илмий-техник тараққиётнинг савиясини оширишда ва жадал ўсишида жумҳуриятдаги мавжуд барча илмий имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш билан бирга илмий жамоаларнинг якуний натижалардаги жавобгарлигини кучайтиришни кўрсатиб ўтди. Ҳозирги шароитда биз ушбу масалаларни ҳал қилишнинг муҳим йўналиши сифатида фан ва техниканинг истиқболли ривожланиши учун устивор йўналишларни танлашда деб биламиз. Булар, бизнингча, ишлаб чиқариш ва турмуш шароитини электронлаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини комплекс автоматлаштириш, биотехнология, энергия ёқилғи комплекси ривожини жадаллаштириш, янги материалларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов бериш технологияси, маҳаллий ва иккиламчи хом ашёларни ҳамда саноат чиқиндиларини қайта ишлаш ва улардан комплекс фойдаланиш масалаларидир.

Бундай материалларни яратиш учун хом ашё илгари собиқ Иттифоқнинг турли бурчакларидан ва чет эллардан олиб келинар эди. Бироқ хўжалик алоқаларининг бузилиши ҳамда йўл харажатларининг кескин ошиб кетиши бу борада ички имкониятларимизни ишга солишни тақозо этади. Зеро, Ўзбекистон жуда ноёб фойдали қазилмаларга, иккиламчи манбаларга ва турли ишлаб чиқариш чиқиндиларига бой. Мақсад нафақат уларни ишлатишда, балки улардан тежамкорлик билан фойдаланиб, атроф-муҳитга нотўғри таъсир этмаслигини таъминлашдадир. Бу борада фаннинг нисбатан ёш, лекин истиқболли соҳаси — қаттиқ жисмларнинг ва композицион материалларнинг синтези механокимёси кенг уфқларни очиб беради. Бунинг учун кимёгарлар, физиклар, технологлар, геологлар ва материалшунослар ўзаро ҳамкорликда ишлашлари талаб этилади.

Техника тармоқларининг, хусусан машинасозлик, самолётсозлик, асбобсозлик ҳамда қурилиш индустриясининг ривожланиши янги органик ва ноорганик композит материаллар ишлаб чиқариш базасини яратишни тақозо этади.

Республика иқтисодиётида асосий ўринлардан бирини кимё саноати эгаллайди. Бу соҳанинг йирик корхоналари қаторига "Навоиазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқ электрокимё бирлашмаси, Самарқанд "Суперфосфат" заводи, Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Кимё - тола", Олмалиқ кимё заводи, Андижон ва Фарғона гидролиз заводлари, Тошкент лакбўёқ заводи ва бошқалар киради.

Органик ва ноорганик композитлардан турли буюмлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналар ичида "Ўзбекиталь" қўшма корхонаси шунингдек, полимер ва ноорганик композитлар асосида қурилиш материаллари саноат корхоналари иқтисодиётимизда алоҳида ўрин эгаллайди. "Ўзкимёсаноат" ассоциацияси корхоналарининг полимер материалларга бўлган эҳтиёжи ва корхоналарнинг тўла қувват билан ишлаши кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 1992—1993 йилларда хом ашё билан таъминланганлик 5-50 фоизни, техник эҳтиёжлар учун ишлатиладиган буюмларни ишлаб чиқаришда корхоналарнинг сарф бўлган қуввати 7-34 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган полимерлар турлари, шунингдек, айрим турли боғловчиларни ташиб келтиришнинг мажбурийлигини ҳисобга олсак, полимер ва лак, бўёқ материалларда, резина композитларда шимдириладиган таркиблардан ёғочпласт ва бошқалар учун ишлатиладиган тўлдирувчилардан фойдаланишнинг айрим йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Табиий ҳамда синтетик тўлдиргичлар каби дисперс анорганик тўлдиргичлар фойдаланиш кўлами бўйича энг оммавийдир. Ўзбекистонда улардан бентонит, гипс, каолин, бўр, доломит, кварц қуми, тальк, волластонит ва бошқалар мавжуддир.

Органик тўлдиргичлардан кенг тарқалганлари ўз таркибида асосий компонент сифатида целлюлоза ва лигнин сақловчи ёғоч уни, қиринди, пайраҳалардир. Шунингдек, тўлдиргичларни олишнинг яна бир усули ишлаб чиқаришнинг иккиламчи манбаларни ва саноат чиқиндиларини жалб қилишдир.

Муҳим йўналишлардан яна бири маҳаллий қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан ноанъанавий бўлган тўлдиргичларни яратиш ва уларни ишлатишдир. Бунинг амалга оширилиши эса хомашё манбаларидан фойдаланиш масалалари ҳал қилинишини ҳамда амалда чиқиндисиз технология ва ишлаб чиқаришни барпо қилиш имкониятини беради. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юқорида келтирилган тўлдиргичларни асл ҳолича ишлатиш мумкин эмас. Бунинг сабаблари сифатида улар таркибида керакли бўлган компонентларнинг кам миқдордалигини, кераксиз элементлар мавжудлигини ва бошқа қўшимчаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Шунинг учун хом-ашёни, иккиламчи материаллар ва чиқиндиларни бойитиш ва фаоллаштириш талаб қилинади, зарарли қўшимчаларни нейтралаш учун физик-кимёвий усуллар билан ишлов бериш, учинчидан технологияда талаб этилган майдаликка етказиш учун физик-механик ишлов зарурияти пайдо бўлади.

Пластик ва резинани қайта ишловчи корхоналар, лак-бўёқ заводлари шунингдек, минерал хом ашё олинувчи жойларда жаҳон талабларига жавоб берувчи тўлдиргичлар ишлаб чиқарувчи алоҳида кичик корхона ёки цех ташкил қилиниши керак. Карбон ва ойнапластлар асосидаги чивиқланган конструкцион композицион материалларнинг яратилиши ва ишлатилиши жуда катта имкониятларни очиб беради.

Ўзбекистонда чивиқли ойна — пластиклар ва кўмирпластиклар ишлаб чиқариш, қайтадан ишлашни йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Айниқса ҳозирги вақтда валютага сотиб олинаётган катта диаметрдаги қувурлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ойна-пластиклар ишлаб чиқариш зарурияти ҳаммамизга аёндир.

Истиқболли материалларнинг ўзга турлари бу анорганик композитлардир. Улар қийин эрийдиган хусусиятга эга бўлиб, жуда кенг диапазон ҳароратда ишлатилади. Шунинг учун техник ва рўзғор буюмлари тайёрлаш учун кенг кўламда қўлланилади. Бундай материалларни ишлаб чиқариш учун асосан минерал хомашёлар иш беради. Афсуски, ҳозиргача улар кенг миқёсда қўлланилаётгани йўқ. Анорганик материалларни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун, фикримизча, янги хом ашё конлари очиш ва уларни ўрганиш ҳамда қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш зарурдир.

Қуввати йилига 80 минг тонна бўлган тиббиёт ва қурилиш гипси ишлаб чиқарадиган заводни Ингичка кон бошқармаси базаси асосида қуриш ва ишга тушириш Ўзбекистоннинг гипсга бўлган эҳтиёжини тўла қондиради ҳамда бошқа мамлакатларга экспорт қилиш имкониятини яратади.

Композицион материалшуносликни ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш учун, фикримизча, республиканинг муайян кўринишдаги техникага, материалларга, хом ашёга бўлган эҳтиёжини ва уларни қайта ишлаш технологиясини ўрганиш, МДҲда композицион материалшунослик соҳасида эришилган янги тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларни тўпловчи ва таъминловчи марказлашган автоматик тизим яратишни ФТДКдан сўраш, — янги техника ва технологияни яратиш учун чет эл инвестицияларини, хусусий ва давлат капиталларини кенг жалб қилиш; янги материаллар ва техника ишлаб чиқариш учун бирлашган корхоналар ташкил қилишни амалга ошириш керак.

Ўзбекистон шу билан бирга юқори малакали илмий ходимлар ва мутахассисларнинг катта жамоасига эга, улар эса республикамиз иқтисодиётини жадал ривожлантиришни таъминлашга қодирдирлар.

Сойибжон НЕЪМАТОВ,
"Фан ва тараққиёт" республика илмий-технологик комплекси раиси,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги.

• Хотира

ОШИҚ АҲЛИ КЎРМАГАН...

Бугун уни олтмишдан ўтиб, етмишга етиб борганлар яхши эслайди. Шоир ва драматург сифатида бир неча тўпламлари ва асарлари халқимиз назарига тушган. Лекин раҳматлик Турсун Собировга ҳаёт вафо қилмади. Кўнглининг тоза туғёнлари тўлмаган дафтарларида қолди. Хайриятки фарзандлари, уни кўрган ва билганлар асарларини юракларида асрадилар.

Бугун биз ҳам шоирнинг пок руҳини шод этмоқ умидида шеърларидан намуналар беряпмиз.

Турсун СОБИРОВ

***

Нега жоним, лабингда қулгу
Тўлқинлари мавж урмас бу он!
Қаердадир севги ва орзу,
Ҳаммасини тутасан пинҳон?!
Айтиш сенга гар қийин бўлса,
Майли айтма ортиқ тутоқма.
Қалбинг ичра ғам-ташвиш тўлса,
Копток бўлиб сув узра оқма.
Фазилатинг, хулқинг-одатинг,
Одамийлик бобида ўрнак!
Сирни сақлаш зўр саодатинг,
Олтин тўла хазина — кўкрак!
Ишқинг билан ўртансам жоним,
Майли, қиё боқмагил сира.
Бас кўриниб турсанг, жононим,
Кўзим сенда, демагил "хира".
Севги боғи ғоят муҳташам,
Ҳар ким экар севган гулини.
Ҳақиқий ишқ эмас-ку ҳашам
Чин гул севар ўз булбулини.
Айтиш сенга гар қийин бўлса
Майли айтма севги сирини.
Агар бахтим-омадим кулса,
Тез севардим ишқ таъсирини...

***

Лайливаш ёр ишқида ўртанди жоним, найлайин,
Оҳ, фироқ ўтида ёнди хонимоним, найлайин.
Қовжираб кул бўлди жисмим-устихоним, найлайин,
Ҳол сўраш-чун йўқ экан бир меҳрибоним, найлайин!

Ул нигорим доимо қилмоқ бўлурди илтифот,
Гўйиё менсиз унинг-чун бир жаҳанам-муш ҳаёт,
Мен билан олам мунаввар, гулга тўлмиш коинот.
Лабзидан воз кечди шу ширин забоним, найлайин?!

Бевафо ёр юз ўгирди менга кўрсатмай жамол,
Бир ўзим танҳо қолиб, ҳар лаҳза сурмишман хаёл,
Жон берар ҳолатда ҳам етсам тўшакда бемажол,
Келмаса ёнимга ул моҳитобоним, найлайин?!

Аҳдида турган киши ошиқ элига шоҳ эрур,
Чин муҳаббат ҳам садоқат аҳлига ҳамроҳ эрур.
Ҳам латофат гулшанида ҳар надан огоҳ эрур,
Бу сабоқни тингламас сарви-равоним, найлайин?!

***

Завқ ила ҳуснингга боқдим, мисли гулзор юзларинг,
Қандайин соз, парпираб нур сочса шаҳло кўзларинг,
Дилни ўртар хуш латофат, жонга ором сўзларинг,
Кўзларим дардига дармон-тўтиёдир изларинг...

Ошиқ аҳли кўрмаган сендай гўзал зебони ҳеч,
Гулшан ичра ҳам тополмас ўзга бир раънони ҳеч,
Мен учун даркори йўқ осмондаги Зуҳрони ҳеч,
Мунча ҳам иссиқ-ёқимли қошу-кўз юлдузларинг.

Яхшиликдир одатинг: ҳар ишда маълум эл аро,
Шул сабаб номингни зикр айлар халойиқ дил аро,
Ҳурматинг топгай камолот йил оша ҳар йил аро,
Нурга тўлгай, гулга тўлгай кечаю кундузларинг!..

***

Лутф этиб гулшанга кирсанг гул гўзал, гулзор гўзал,
Сен билан гулшан жамоли бир эмас, минг бор гўзал!

Юзларинг бахш айлагай гулшан чиройига чирой.
Кўзларинг жодусидан гулзор юзи такрор гўзал!

Бир қарашда боғдаги оҳуни мот этмуш кўзинг,
Кипригинг, қошинг гўзал, эй кўзлари ҳумор гўзал!

Атр ила анбар сочур ошиққа сунбул сочларинг,
Барча гулшан гулларидан сен ўзинг дилдор гўзал!

Таниқли адабиётшунос олим, шоир, драматург, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Турсун Собиров таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира кечаси эртага, 21 декабрь кеч соат 18.00 да Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри биносида бошланади.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУЛГИСЕВАР ФУҚАРОЛАРИ!

Йил-ўн икки ой хонадонингизда тинчлик ва хушчақчақлик, кут-барака, хуш кайфият ҳукмрон бўлишини истасангиз, севимли журналингиз *"МУШТУМ"*га обуна бўлинг.

Халқимизнинг "Бир бор кулги кирган уйга қирқ кун қайғу йўламас" деган ақидасига амал қилган *"МУШТУМ"* ҳар ойда бир марта ўзининг ичакузди кулгисию-қаҳқаҳаси билан хонадонингизга ташриф буюриб, қувончингизга қувонч қўшади.

Журнал бундан кейин ҳам ўз анъаналарига содиқ қолади.

Обуна баҳоси — 64 сўм 80 тийин.

Индекс — 75322

Дилдан яйраб кулган кишининг иши ҳамиша "беш", кўнгли тоғ қадар юксак бўлишини унутманг!

Сизга катта бойлик ваъда қилолмаймиз, аммо йил бўйи кайфиятингиз аъло даражада бўлишига кафолат берамиз!

Эслатиб ўтамиз, журналга обуна бўлиш 1995 йил 1 январгача давом этади.

"МУШТУМ — 95"

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИШБИЛАРМОН ВА ИМКОНИЯТИ БОР

ФУҚАРОЛАРИ УЧУН!

"Ўзалоқайўлдош" ишлаб чиқариш корхонаси Тошкент шаҳридаги омбордан, дипломат кўринишида тайёрланган, телефон ва факсимиль алоқалар учун мўлжалланган ихчам мухтор йўлдош станциясини етказиб беради. Бундай станция соҳиби бўлсангиз, Сиз Ер курраси ҳисобидаги нуқтасидаги ўз абонентларингиз билан алоқа боғлашингиз мумкин.

Фойдаланиш чоғида махсус билим талаб қилмайдиган, жўн ва қулай бўлган станция доимий электр токидан ёки мухтор манбадан қувват олади.

"Ўзалоқайўлдош" ўз буюртмачиларига қулайлик яратиш мақсадида станцияни сотиб олиш, ишлатиш, давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча масалалар счимини ўз зиммасига олади.

Манзилимиз:
Тошкент, А. Толстой кўчаси-1, 175-хона, Алоқа Вазирлиги.
Тел/факс: 336255.
тел: 44-25-24
35-28-68

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Телефонларнинг нормал ишлашини таъминлаш ва электр алоқаси корхоналарининг ашёлар ва хизмат тўловларини вақтида амалга ошириш учун шароит яратиб бериш мақсадида "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" концерни барча абонентларни абонент тўловлари бўйича мавжуд қарзларни

1994 йил 25 декабргача

ҳамда халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув учун счётларни вақтида тўлашни сўрайди.

Эслатиб ўтамиз: шахсий фойдаланишдаги асосий хонадон телефонлари учун ойига 12 сўм, қўш ва параллел телефонлар учун 9,60 сўм.

Абонент тўловларни ёки счётларни вақтида тўламаганлик учун телефонни узиб қўйиш ёки олиб қўйишнинг олдини олиш мақсадида ўз бурчингизни вақтида адо этиб боришингизни сўраймиз.

Телефон счётларини вақтида тўлаб борсангиз ўзингизга фойда!

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" КОНЦЕРНИ

КЎЧМАС МУЛК— ЎЛМАС САРМОЯДИР!

Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимлари

21 декабрь куни Қорақалпоғистонда, телефон (36122) 42096

21 декабрь куни Хоразмда, телефон (36222) 68166

22 декабрь куни Андижонда, телефон (374222) 51643

24 декабрь куни Қашқадарёда телефон (37522) 46716

Ким ошди савдоларини ўтказади.

"ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ"

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ

21—24 декабрь кунлари хўжалик моллари сотиш бўйича

1995 йилга улгуржи савдо

ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Шартномалар барча чакана савдо корхоналари билан мулкчилик шаклидан қатъи назар тузилаверади.

Манзилимиз: 700091, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Толариқ кўчаси, 24.

Телефонлар: 96-24-52, 97-09-91, 98-47-55, факс — 97-34-85.

Автобуслар: N 23, 26, 30, 61, 119, "Янги-обод" бекати.

Pierre Cardin

PARIS

"Пьер Карден" фирмаси Тошкентда! Жаҳонга машҳур **"Пьер Карден"** фирмаси замонавий кийим-кечакларининг 20 декабрь куни республика Модалар уйида соат 10.30 да очиладиган кўргазма-савдосига таклиф қиламиз.

ДЕМИР ФИРМАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши биринчи котиби Ж. К. Нуруллаевга отаси **Карим НУРУЛЛАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти ижодий жамоаси газетанинг собиқ ўз мухбири, езувчи **Рустам РАҲМОНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ипакчилик илмий текшириш институти жамоаси институтнинг собиқ директори, хизмат кўрсатган аграном М. Р. Ғаниевага ўғли **Азиз Валиевич ҒАНИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Университети физика факультети жамоаси доцент Дамир Обидович Толиповга отаси **Обид ТОЛИПОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Республика пилла етиштириш бирлашмаси жамоаси Фарғона вилоят пилла етиштириш бирлашмасининг директори, республикада хизмат кўрсатган эйроатшунос **Абдулҳай РАҲИМ ўғлининг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси "Кибернетика" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бош илмий ходим Саодат Ортиқовага онаси **Зарофат аянинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

"Ўзсувқурилиш" давлат концерни кенгаш ҳайъати ва меҳнат жамоаси режа ва иқтисод бошқармасининг бошлиги Б. Тўрабековга опаси **Жонниқиз УМАРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси сиёсатшунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси Қ. И. Султоновга отаси **Искандар СУЛТОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"СОВҒА"

ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ХИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ГИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

УНДА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР СУММАСИ ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ.

"СОВҒА" ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ! ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

"СОВҒА" **лотереяси билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоналарида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.**

"СОВҒА" **ЛОТЕРЕЯСИ — ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!**

"СОВҒА" лотереясини сотиб олсангиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.

ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ!

ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек 45-35-49, 45-66-43, 33-51-95 телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

МАРКАЗИЙ БАНК

ЖАМҒАРМА БАНКИ

"ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматда босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.50. Буюртма — 1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456